

7-10-2019

THE ENTIRETY OF SUBJECTIVE AND OBJECTIVE

Kahhar Vahabovich Yulchiev

PhD, doctoral student of Fergana state university

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Yulchiev, Kahhar Vahabovich (2019) "THE ENTIRETY OF SUBJECTIVE AND OBJECTIVE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 46.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/46>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

THE ENTIRETY OF SUBJECTIVE AND OBJECTIVE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ ЯХЛИТЛИК

Йўлчиев Қаҳҳор Ваҳобович

филология фанлари бўйича фалсафа доктори, ФарДУ докторанти

Аннотация: Мақолада лирик шеър яратиш жараёнида шоирнинг ички оламидан ўтадиган кечинма, унинг образга айланиши ҳақида сўз юритилади. Бунда образга объективлик ва субъективлик яхлитлиги асос бўлиши кўрсатилган.

Калит сўз: образ, субъективлик, объективлик, хронотоп, кечинма, лирик шеър, лирик қаҳрамон, ижодий жараён.

ЦЕЛЕСНОСТЬ ОБЪЕКТИВНОСТИ И СУБЪЕКТИВНОСТИ

Юлчиев Каҳҳар Ваҳобович

доктор философии по филологическим наукам, докторант ФерГУ

Аннотация: В статье исследуются переживание, которая проходит в о внутреннем мире поэта в процессе создания стихотворение. При этом показывается, что целесности объективности и субъективности будет основой образа.

Ключевые слова: образ, объективность, субъективность, хронотоп, переживание, лирическая стихотворения, лирический герой, творческий процесс.

THE ENTIRETY OF SUBJECTIVE AND OBJECTIVE

Yulchiev Kahhar Vahabovich

PhD, doctoral student of Fergana state university

Abstract: The article discusses Poet's inner feelings and their image formation in the process of creating a poem. Also the entirety of subjective and objective as the bases of the image is shown.

Key words: Image, subjectivity, objectivity, chronotope, experience, lyrical poem, lyrical hero, creative process.

Шоир бадиий олам яратар экан, аввало, яратаётган образини маълум макон ва замон бўйлаб мавжудликда, ҳаракатланишда тасаввур этади. Зеро “бадиий образ яратиш – бадиий ижод қилиш объектив ҳамда субъектив факторларнинг муайян уйғунликда қўшилиши ҳамда ҳаракатидан иборат” [4.13]. Бунда яратилаётган образ статик кўринишда бўлиши мумкин. Бироқ, шеърдаги образнинг ўй-фикрлари, кечинмалари, тасвирдаги дарахдан узилиб тушаётган барг, оламга ёйилаётган қуёш нурлари каби жараёнлар лирик воқеликнинг динамик хусусиятини ифодалайди. Бу эса лирик шеърдаги асосий хронотоп: ҳаёт образининг, ундаги лирик қаҳрамоннинг ички ҳаракатини билдиради. Масалан,

Ғимир-ғимирларга тўладир ҳаёт.

сен қаёққа кетаяпсан, йўловчи?!

Бир оз тўхта тин ол,

Тингла ғаройиб баёт! [1.73]

Шеърда тирикликнинг ўзи гўзал деган азалий ҳақиқат ҳаётсеварлик ғоясини ифодалайди. Бу ерда ҳаёт образи хронотоп бўлиб, у бир қарашда жим тургандек туюлади. Бироқ, биринчи мисрадаги “ғимир-ғимир” аниқловчиси ҳаётнинг доимий ҳаракатига ишора қилади. Ижод жараёнининг дастлабки босқичида ташқи борлиқдан акланган предмет, яъни ҳаёт тасвири ижодкор ижодий лабораторияси ҳали образга айланмасдан туриб, реал макон, яъни ташқи борлиқ акси сифатида мавжуд, холос. Шу ерда ижодкорнинг идроки ишга тушади ва ўша акланган предметга ўзига хос гўзаллик, бадий-эстетик юкламаларини юклаб, уни образга айлантиради. Гўзаллик бу ерда классик кўринишдаги инсон тириклиги, мавжудлигининг ўзи гўзаллик, деган тамойил асосида тушунилади. Фикрни ривожлантириб айтиш мумкинки, дунёнинг қайсидир бурчагида оддий инсонлик, ўзининг эзгу орзу-умидлари йўлидаги ташвиш, юмуш билан банд бўлиш бахти ҳаммага ҳам насиб этмаётган даврда “*ғимир-ғимирларга тўла ҳаёт*”ни кузатиш кишига завқ, шавқ беради. Қаергадир шошаётган одамлар, тоғлиқлардан эриб, сойларни тўлдириб оқиб, дашту далаларга интилаётган сув, қушларнинг чуғурлашиб гоҳ ерга, гоҳ дарахт шохларига қўниши, қуёшнинг секин-астлик билан дунё бўйлаб ёйилаётган нурлари, шоир таъкидлагандек, “ғаройиб баёт” ҳисобланади. Тўғри, ижодкорнинг бадий-эстетик юкламаси, бу – ижодкорнинг ўзи англаган етук фалсафий-ҳиссий кечинма ва ғоялар бўлиши мумкин. Шу ерда образ воқеликни англовчи образга айланади ва шеърга кўчади. Эътибор қилинган шеърдаги ҳаёт образини яратишда субъектив ва объектив олам унсурлари бирликдаги фаолияти ҳақида сўз боряпти. Гўзалликни англаш, уни баёт эканлигини тушуниш соф субъективлик бўлса, ана шу субъективлиқни англаган лирик персонаж ва ҳаракатдаги йўловчини объектив олам вақили дейиш тўғри бўлади. Бу иккисининг бирлиги, деганда эса бадийликни тушунилади. бу ерда шакл ва мазмун, макон ва вақт яхлит ҳолда намоён бўляпти. Аслида ҳақиқий бадий асар мана шундай бўлади. Жанр нуқтаи назаридан шеър ижровий лирикага мансуб бўлиб, унда бугунги шахс образи етакчилик қилган. Демак, ҳаёт хронотопи ўша шахсни тўла бадийлик касб этишига хизмат қилади.

Лирик шеърдаги субъект, асосан, лирик қаҳрамон ўзи идрок этган макон ва лаҳзалардаги кечинмаларини шаклга туширади. “Кечинма бу – барча мулоҳазаларнинг аҳамиятини бекор қиладиган, тўғридан тўғри таъкид-ланадиган самимийлик. Барча кечинма мустақил бошдан ўтказилади. У бир кишига, индивидга тегишли, ва шунинг билан бирга, мазкур индивиднинг ҳаётини яхлит олганда, унга ҳеч нарсани арашлаштирмайди ва ўрнини тўлдириб бўлмайдиган жиҳатларни кўрсатадиган мазмундан иборат” [2.110]. Бунда кечинманинг табиати лирик субъектнинг бадий-эстетик идеали, дунёқаршлари мажмуига ҳам боғлиқ бўлади.

Шунинг билан бирга кечинма кечаётган вақт орқали биз аниқ лирик қаҳрамонни кўрамиз ва англаймиз. Масалан, қуйидаги шеърни олайлик:

Бахтиёрман деган биргина сўзни
айтиш керак қанча куч-чидам,
гарчи бахт сўзларнинг энг ёқимлиги,
гарчи турса ҳамки тилнинг учида.
Оғир ботмасмикин
бу сўз кимгадир,
тегиб кетмасмикин оҳ-воҳларига,
қандоқ бардош бериб яшайман кейин
бахтсиз кимсаларнинг нигоҳларига [3.214].

Мазкур шеърининг парчадаги кечинмалар орқали биз инсонпарвар, бошқа одамларни ҳам бахтли, ўз мақсадларига эришган, озод ва эркин бўлишини истаган, кишилар қўнглига қаттиқ тегиб кетишдан парҳез қиладиган шахс образини кўрамиз. Тўғри, бу ердаги кечинма биографик характерда бўлиб, у индивид сифатида биринчи галда асар муаллифига тегишли ҳисобланади. Унинг юксак идеали, етук ахлоқи ва кенг маънавий олами ифодаланган. Шунинг билан бирга, жамиятда ҳали ўзини бахтлиман деб айтолмайдиган одамлар кўплигига ҳам ишора бор. Бу бир томондан лирик образ ҳаётини тўлдиролмайдиган ва доимо уни қийнаб келаётган одам ва одам, одам ва одам муносабатларидаги муаммолар тизими бўлса, иккинчи томондан бу ерда ўзини ўзи яшаётган шу макон учун масъул эканлигини ҳис этиш дарди ҳам мавжуд. Юқоридаги шеърнинг кейинги қисми, бизнингча, нисбатан декламацион характерда бўлиб, унда ижод жараёнидаги борлиқни эстетик англаш, бадийлик назарияси, фалсафа илмига хос концепциялар бирлашади. Бу бирлашиш, энг муҳими, ўтаётган вақт, жамият ва индивиддаги ўзгаришлар билан бирга кечади. Ана шу, айниқса охириги, омиллар натижасида шеърдаги кечинма ўсиши, образ ўзгариши, ривожланиши, янада ёрқин намоён бўлиши кузатилади. Биринчи қисмда биз реал фидоий инсонни, комил шахсни кўрамиз. Кейинги қисмида эса шоирлик фаолиятининг дастури, шоирнинг ватан олдидаги бурчини кўрсатишга ҳаракат этилгандек таассурот уйғотади.

Аввало бу сўзни ўзгалар айтсин,
айтсинлар кўзлари севинчга тўлиб,
элнинг бахти учун умрини тиккан
шоирлар айтмасин биринчи бўлиб.
Бу сўзни бир умр айтмай яшадим,
ҳар шодлик келганда юрдим секинроқ,
Ҳам сўзин элимдан аввалроқ айтдим,
бахт сўзим айтаман элдан кейинроқ.

Шеърдаги мулоҳазалар бир қарашда баландпарвоз гапдек туюлиши мумкин. Бироқ, “бу сўзни бир умр айтмай яшадим”, мусирасида автобиографик хусусият намоён бўлиб, унда шоирнинг бир умрлик ҳаётига оид фикрлари ифодаланган.

Шунинг билан бирга халқимизда қадимдан шундай одат борки, ўз қувончингни бошқалар ғамига қўшиб яшаш, бошқалар дилига тегиб кетмаслик учун ўзини босиқроқ тутишлик ҳақида гап борган.

Бу шеър ёзилиш жараёни билан узвий боғлиқ. Ўша дақиқада шоир хаёлига, қалбига шунга ўхшаш фикр-мулоҳазалар кедган ва уларнинг бадиий ифодаси сифатида юқоридаги сатрлар қоғозга тушган. Демак, лирик қаҳрамон характерида яна бир қирраси юзага чиқяпти. Бу – ўз ҳаётини таҳлили қила билиш хусусияти бўлиб, бунинг учун катта ирода керак бўлади. Шу ерда лирик кечинма инсон ҳаёти деган хронотоп билан биргаликда образнинг ярқинроқ чиқишини таъминлаган. Шоир ўз кечинмаларини аста-секин ривожлантириб борар экан, шеърнинг аввалги қисмида илгари сурилган тезисларни, антезисга айлантира олган. Шунинг учун асар яратиш жараёнини инсонни бадиий жиҳатдан ўсиб, ривожланиб боришининг асосий қисми деб ҳисоблаш мумкин. Натижада шеърдаги образда маълум вақт оралиғида бир нечта характер қирралари юзага чиққан. Бошқача айтганда, образ кечинмалар ўсиб бориши ва ўтаётган вақт ичида ўсиб бормоқда. Зеро, ҳамма нарса ўсиб, ўзгариб боради, жумладан олам ҳам улкан макон сифатида борлиқни қоплаган ва чексиздек туюлса-да, у ҳам ўзгариб боради. Шунинг учун ижодий жараён ҳақли равишда турли қисмларга ажратилади. Бу шеърдаги лирик кечинманинг динамик ўсиб бориши ва натижада образнинг характер қирраларининг намоён бўлишида кўринади. Ана шу ерда лирик жанрнинг асл моҳияти кўринади. “Ўзининг амалга татбиқини кечинма образида топган, мустақил маънога эга бўлган ҳиссий фикр сўз санъатидаги лирик турнинг асоси ҳисобланади. Асоси дейилишига сабаб мазкур материалдан ижоднинг бошланишидир. Қалбнинг ўз-ўзини ҳис этиши ёки шунга ўхшаш, балки унда дастлаб ноаниқ, ғализ бўлган ҳолат, қачонки у ифодаланганда, лирик кечинмага айланади. Ифодалаш эса, бу – ҳаётни тасаввурда тикламоқ ва уни қайта яратишга йўналтирилган, шунингдек, ўзида материални мужассамлаштирадиган сўз санъатининг унсури бўлган ижодий жараён”. [5.407]

Келур қайдан, қайга кетгай бу оқим?

Қайда тўхтар, қайга етгай бу оқим?

Кўп чирандим,

Билдим – қутулмоқ маҳол,

Менлигимни қайга элтар бу оқим? [6.32]

Ижровий лирикада шоир ўз руҳиятидаги саволларни олиб чиқади, унда йирик ижтимоий-фалсафий, рамзий маъно мужассам бўлиб, риторик сўроқ орқали мазмуннинг таъсирчанлигини оширилган. Шеър аслида анъанавий тўрт шаклида битилган бўлиб, биринчи икки сатрда й товуши, қай, бу, оқим сўзларининг такрори, ҳар иккала мисранинг ўзаро қофияси (кетган, етгай) шеърга ўзига хос оҳангдорлик бағишлаган. Лирик субъектнинг юрагини, хаёлини ўртаётган кечинма “оқим” хронотопи орқали юзага чиқиб, аниқ мақсадларни ифодалайди. У бир вақтнинг ўзида лирик яшаётган вақтни ва маконни англатади. У, аввало, вақт оқими бўлиши мумкин, иккинчидан фикрлар оқими, учинчидан ҳис-туйғу, кечинмалар оқими,

жамиятда бирор йўналишга қараб бирга ҳаракат қилаётган одамлар оқими, лирик субъект қалбидаги орзу-ҳавас, интилиш бўлиши мумкин. Шеърдаги оқим хронотопи шоирнинг объектив қарашлари ва субъектив ёндашувини бирлаштирган ҳамда лирик кечинманинг образга айланишига асос бўлган.

References:

1. Ali, Tursun, Lahzalar suvrati: – Toshkent: Gʻafur Gʻulom nomidagi nashriyot matbaa ijodiy uyi, 2016. – 152 b.
2. Gadamer X. Istina i metod: Osnovi filos. germenevtiki: Per. s nem./Obsh. red. i vstup. st. B. N. Bessonova. — M.: Progress, 1988. - 704 s.
3. Rahmon, Shavkat. Abadiyat oralab: sheʼrlar. – Toshkent: Movarounnahr, 2012. – 384 b.
4. Sarimsoqov B. Badiiylik asoslari va mezonlari. – Toshkent: TAI, 2004. – 128 b.
5. Kollektiv. Teoriya literaturi. Tom III. Rodi i janri (osnovnie problemi v istoricheskom osveshenii). — Moskva: IMLI RAN, 2003. – 592 s.
6. Obidjon, Anvar. Saylanma. – Toshkent: Akademnashr, 2017. – 248 b